

**TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI  
«YOSH OLIMLAR TIBBIYOT JURNALI»**

**TASHKENT MEDICAL ACADEMY  
«MEDICAL JOURNAL OF YOUNG SCIENTISTS»**

**ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ  
«МЕДИЦИНСКИЙ ЖУРНАЛ МОЛОДЫХ УЧЕНЫХ»**

**IXTISOSLASHUVI: «TIBBIYOT SOHASI»**

**ISSN 2181-3485**

**Mazkur hujjat Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 15 sentabrdagi 728-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali to'g'risidagi nizomga muvofiq shakllantirilgan elektron hujjatning nusxasi hisoblanadi.**

**№ 5 (01), 2023**

*Jurnaldagi nashrlar O'zbekistonda va xorijda ilmiy darajalar uchun dissertatsiyalar himoya qilinganda chop etilgan ishlar deb hisoblanadi.*

*Ilgari hech qayerda chop etilmagan va boshqa nashrlarda chop etish uchun taqdim etilmagan maqolalar nashrga qabul qilinadi. Tahririyatga kelgan maqolalar ko'rib chiqiladi. Nashr mualliflari maqolalarda keltirilgan ma'lumotlarning to'g'riligi uchun javobgardirlar. Materiallardan foydalanganda jurnalga va maqola mualliflariga havola bo'lishi shart.*

*Materiallar mualliflik nashrida chop etiladi.*

*Публикации в журнале учитываются как опубликованные работы при защите диссертаций на соискание ученых степеней Узбекистана и зарубежья.*

*К публикации принимаются статьи, ранее нигде не опубликованные и не представленные к печати в других изданиях. Статьи, поступившие в редакцию, рецензируются. За достоверность сведений, изложенных в статьях, ответственность несут авторы публикаций. При использовании материалов ссылка на журнал и авторов статей обязательна.*

*Материалы публикуются в авторской редакции.*

**ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР**  
Шадманов Алишер Каюмович

**ЗАМЕСТИТЕЛЬ ГЛАВНОГО РЕДАКТОРА**  
Шайхова Гули Исламовна

**ОТВЕТСТВЕННЫЙ СЕКРЕТАРЬ**  
Алимухамедов Дилшод Шавкатович

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

т.ф.д., доцент Азизова Ф.Л.	профессор Азизова Ф.Х.	профессор Аллаева М.Ж.
профессор Камиллов Х.П.	профессор Каримжонов И.А.	профессор Каримова М.Х.
т.ф.д. Набиева Д.А.	профессор Наджмутдинова Д.К.	т.ф.д. Нуриллаева Н.М.
профессор Тешаев О.Р.	профессор Хайдаров Н.К.	профессор Хакимов М.Ш.
профессор Хасанов У.С.	т.ф.д. Худойкулова Г.К.	профессор Эрматов Н.Ж.

**ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА**

Аглиулин Д.Р.	к.м.н. (Россия)	Саломова Ф.И.	д.м.н. (Тошкент)
Ачилов Д.Д.	PhD (Термез)	Санаева М.Ж.	д.м.н. (Тошкент)
Ганиев А.А.	д.м.н. (Тошкент)	Сидиков А.А.	д.м.н. (Фарғона)
Искандарова Г.Т.	профессор (Тошкент)	Собиров У.Ю.	профессор (Тошкент)
Матназарова Г.С.	д.м.н. (Тошкент)	Тажиева З.Б.	PhD (Ургенч)
Мирзоева М.Р.	д.м.н. (Бухоро)	Ташкенбаева У.А.	д.м.н. (Тошкент)
Муртазаев С.С.	д.м.н. (Тошкент)	Турсунов Ж.Х.	PhD (Тошкент)
Нарзикулова К.И.	д.м.н. (Тошкент)	Хасанова Д.А.	д.м.н. (Бухоро)
Носиров М.М.	PhD (Андижон)	Хасанова М.А.	к.м.н. (Тошкент)
Орипов Ф.С.	д.м.н. (Самарқанд)	Хван О.И.	д.м.н. (Тошкент)
Рахимов Б.Б.	д.м.н. (Жанубий Корея)	Холматова Б.Т.	профессор (Тошкент)
Рустамова М.Т.	профессор (Тошкент)	Чон Хи Ким	PhD (Жанубий Корея)
Абдумаликова Ф.Б.	PhD, доцент (Тошкент)		

**Адрес редакции:**

Ташкентская медицинская академия 100109, г.  
Ташкент, Узбекистан, Алмазарский район, ул. Фараби 2,  
тел.: +99878-150-7825, факс: +998 78 1507828,  
электронная почта: mjys.tma@gmail.com

**Toshkent tibbiyot  
akademiyasi**  
**«Yosh olimlar tibbiyot  
jurnali»**



**Tashkent Medical  
Academy**  
**«Medical Journal of  
Young Scientists»**

• № 5 (01) 2023 •

## ОГЛАВЛЕНИЕ

### ОБЗОРЫ

<b>Абдуллаева Д.Г., Асрорзода З.У.</b> / Профилактика ожирения и пропаганда здорового образа жизни.....	6
<b>Jumaniyozov K.Yo., Olimova M.M.</b> / 2016-2020 yillarda xorazm viloyatida avtohalokatlarning o'ziga xos xususiyatlari.....	12
<b>Ильясов А.С., Бабажанов Т.Ж.</b> / Эпидемиология влияний энергетических напитков на пищеварительную систему человека и животных.....	20
<b>Маденбаева Г.И., Матназарова Г.С., Брянцева Е.В., Саидкасимова Н.С.</b> / Распространение рака пищевода среди населения Республики Каракалпакстан.....	29
<b>Матназарова Г.С., Калниязова И.Б., Рахманова Ж.А.</b> / Хавфли гурухларда ОИВ – инфекцияси тарқалишининг эпидемиологик хусусиятлари ва олдини олиш чора тадбирлари .....	36
<b>Matyakubova D.Sh., Xidirova M.N., Masharipov S.M.</b> / Poliakrilonitril asosida sintez qilingan poliamfolita mis (II) ionining sorbsiyasi.....	43
<b>Отажонов И.О., Ахадов А.О.</b> / Сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда ёндош касалликларни тахлили .....	47
<b>Таирова М.И., Хайитбоева М.Р., Болунц Е.А.</b> / Значение магнитно-резонансной томографии при диагностике рака яичников .....	53
<b>Tashkenbayeva U.A., Abbosxonova F.X.</b> / Alopetsiya va koronavirus infeksiyasi .....	60
<b>Tashpulatova D.X., Burxonova M.O.</b> / Learning disabilities and foreign language learning .....	63
<b>Шайхова Г.И., Муратов С.А.</b> / Соғлом турмуш тарзи – саломатлик гарови.....	67

### НОВЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ

<b>Norbekova N.M., Mirkhamidova S.M.</b> / Oliy ta'lim muassassalarida superkontraktning ahamiyati.....	76
---	----

<b>Xiloldinova M.Sh., Mirkhamidova S.M.</b> / Oliy ta'lim muassasalarining talabalar turar joylariga ehtiyoj va qamrov, ulardagi afzallik va kamchiliklar .....	80
<b>Usmonov S.A.</b> / Tibbiyot mutaxassislarini tayyorlashda fizika fanini integratsiyasi .....	86

### **КЛИНИЧЕСКАЯ МЕДИЦИНА**

<b>Kobiljonova Sh.R., Jalolov N.N.</b> / Reproductive and perinatal outcomes born by caesarean section.....	92
<b>Курбанбаев Р.И., Асраров У.А.</b> / Тактика хирургического лечения больных с тромбозами артерий нижних конечностей.....	98
<b>Муртозаев Д. М., Сахибоев Д.П.</b> / Ички уйқу артериялари окклюзияси бўлган беморларда жаррохлик даво натижалари .....	102
<b>Носиржонов Б.Т., Сахибоев Д.П.</b> / Симптоматик артериал гипертензияни жаррохлик усулида даволаш .....	107
<b>Пулатова Б.Ж., Нурматов У.Б., Абдуллажонова Ш.Ж., Нурматова Н.Ф.</b> / Взаимосвязь врожденной расщелины верхней губы и нёба у детей с психоневрологическими нарушениями .....	112
<b>Рахматалиев С.Х., Хантов Б.Э., Адаев А.В., Ирназаров А.А.</b> / Вертебро-базиляр етишмовчиликни жаррохлик усуллари билан даволаш .....	120
<b>Салаева М.С., Рустамова М.Т., Турсунова М.У., Хайруллаева С.С.</b> / Ўпкани сурункали обструктив касаллиги бор беморларда клиник-функционал ўзгаришларнинг касаллик оғирлик даражасига боғлиқлиги.....	126
<b>Шамшиддинов Ш.Ш., Асатуллаев Ж.Р., Хакимов М.Ш.</b> / Роль и место длительной внутриартериальной катетерной терапии в лечении деструктивных форм острого панкреатита .....	131
<b>Yakubov O.E., Sahiboev D.P.</b> / Buyrak arteriyalari stenotik zararlanishlari diagnostikasida kompyuter tomografik angiografiyaning ahamiyati .....	138

### **ГИГИЕНА, САНИТАРИЯ И ЭПИДЕМИОЛОГИЯ**

<b>Саломова Ф.И., Шеркузиева Г.Ф., Садуллаева Х.А., Султанов Э., Облокулов А.</b> / Загрязнение атмосферного воздуха города Алмалык .....	142
<b>Xomidova G.F., Abdukaxarova M.F.</b> / Bolalar xirurgiya sohasi kasalxona ichi infeksiyalari epidemiologiya va profilaktikasi.....	146
<b>Исраилова Г.М.</b> / Обоснование к применению системы НАССР в производстве мясной продукции .....	152
<b>Закирходжаев Ш.Я., Жалолов Н.Н, Абдукадирова Л.К., Мирсагатова М.Р.</b> / Значение питания при хронических гепатитах.....	157

<b>Саломова Ф.И., Садуллаева Х.А., Миррахимова М.Х., Кобилжонова Ш.Р., Абатова Н.П. / Загрязнение окружающей среды и состояние здоровья населения.....</b>	<b>163</b>
<b>Хасанов Ш.М., Кадирберганов Х.Б., Абдуллаев И.К. / Соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қилиш - саломатликни сақлаш ва уни мустаҳкамлашнинг энг самарали мезони .....</b>	<b>167</b>
<b>Тураев Ф.Ш., Шайхова Г.И. / Пищевая и биологическая ценность изолята соевого белка «ALFA SOY 001».....</b>	<b>174</b>
<b>Sherkuzieva G.F., Salomova F.I., Fayziboev S. / Determination of the immunological activity of the food additive .....</b>	<b>182</b>
<b>Шерқўзиева Г.Ф., Саломова Ф.И., Икромова Н.А. / Сузиш ва унинг саломатлик учун аҳамияти.....</b>	<b>185</b>
<b>Эрматов Н.Ж., Насирдинов М.З. / Темир танқислик камқонлиги билан хасталанган ўқувчиларни жисмоний ривожланишига маҳаллий ўсимлик оқсиллари таъсири гигиеник баҳолаш.....</b>	<b>191</b>

УДК: 614.7:543.39+577.4+616-053.2

**СУЗИШ ВА УНИНГ САЛОМАТЛИК УЧУН АҲАМИЯТИ****Шерқўзиева Г.Ф.** - т.ф.н., доцент**Саломова Ф.И.** - т.ф.д., доцент**Икромова Н.А.** - магистр*Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон*

**Аннотация :** Мақолада талабаларнинг спортининг инсон саломатлиги учун аҳамияти тўғрисидаги билим даражаси ҳамда талаба ёшлар ўртасида сузиш ва у билан шуғулланиш ҳолати тўғрисидаги сўровнома натижалари келтирилган. Сузишнинг инсон саломатлиги учун аҳамиятли эканлигини барча талабалар томонидан тасдиқланган. Шунингдек талабалар энг кўп шуғулланиладиган спорт турига стол тенниси, волейбол, энгил атлетика турларини кўрсатганлар. Олинган натижалар талаба ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришида хусусан сузиш спорти билан шуғулланишлари учун услубий тавсиялар ишлаб чиқишида ёрдам беради.

**Калит сўзлар:** бассейн, сузиш, саломатлик, гигиеник талаблар, касалланиш ,анкета сўровномаси, яқумли касалликлар.

**ПЛАВАНИЕ И ЕГО ЗНАЧЕНИЕ ДЛЯ ЗДОРОВЬЯ**

**Аннотация:** В статье представлены результаты по изучению уровня знаний студентов о значении спорта, в том числе плавания, для здоровья человека. Опрос проводился с помощью специально разработанной анкеты. Все студенты подтвердили, что плавание имеет большое значение для здоровья человека. Также студенты указали в качестве наиболее популярных видов спорта: настольный теннис, волейбол и легкую атлетику. Полученные результаты помогут разработать методические рекомендации по формированию здорового образа жизни с учетом занятия плаванием у студентов.

**Ключевые слова:** плавательный бассейн, плавание, здоровье, гигиенические требования, болезнь, анкета, инфекционные заболевания.

**SWIMMING AND ITS IMPORTANCE FOR HEALTH**

**Annotation:** The article presents the results of studying the level of students' knowledge about the importance of sports, including swimming, for human health. The survey was conducted using a specially designed questionnaire. All students confirmed that swimming is of great importance for human health. Also, students indicated as the most popular sports: table tennis, volleyball and athletics. The results obtained will help to develop guidelines for the formation of a healthy lifestyle, taking into account swimming lessons among students.

**Key words:** swimming pool, swimming, health, hygiene requirements, disease, questionnaire, infectious diseases.

Сузиш — инсонга завқ бағишлаши билан бирга, саломатликка фойдаси бемисл бўлган машғулот ва спорт туридир. Бироқ у билан шуғулланишнинг ўзига яраша қоидалари ҳам бор. Сузиш, аввало, инсон иммунитетини мустаҳкамлаб, ша-

моллаш, яллиғланиш каби хасталикларнинг олдини олади, гавда тўғри шаклланиди, ҳамда модда алмашинуви, уйку ва иштаҳа яхшиланади. Асаб, нафас ва юрак қон-томир тизими, шунингдек, таянч-ҳаракат аъзолари фаолияти ижобий то-

монга ўзгаради. Яссиоёкликнинг олди олинади ва болада ирода ва сабр-тоқат хислатлари шаклланади. Инсон сузган пайтда тана гўёки массаж олади, қон айланиши ва асаб тизими яхшиланади. Турли усулда сузиш эса баданни мутаносиб ҳолатда чиниктириб улғайтиради. Боланинг қомати тўғри ўсишида сузишнинг нафи катта. Мунтазам сузишга одатланган боланинг бўйи тез ўсади ва унда турли касалликларга қарши мустаҳкам иммунитет ҳосил бўлади. Кимёвий усул билан тозаланган сувда аллергияга мойил ёки териси қуруқ болада алергик дерматит пайдо бўлиши мумкин. Бундан ташқари, сузиш болада қулоқ ва тиш оғриғи, тумов каби касалликларни кўзғатиши мумкин [4-6]. Шу билан бирга сузиш инсон организмга ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга айрим ҳолларда сузиш таъқиқланиши мумкин хусусан биринчи навбатда, туғма юрак пороги бор кишиларга. Шу билан бирга, тери касалликларига чалинган,

ўткир вирусли инфекция билан зарарланган, очик яраси мавжуд, тиришиш синдромига ва тана ҳарорати кўтарилишига мойил инсон сувда сузиши мақсадга мувофиқ эмас. Сузиш вақтида тана совиб кетмаслиги лозим, чунки сузиш вақтида тез-тез учраб турадиган ҳолатлардан бири. Бунга айниқса, саломатлигида муаммоси бор кишилар жиддий эътибор бериши керак. Денгиз суви танани чучук сувга нисбатан кўпроқ совитиб юборади. Натижада кишини гарчи қуёш чарақлаб, жазирама иссиқ бўлишига қарамай, титроқ босади. Мушак ва томирларнинг тортишиб қолиши, асосан, салқин сувда бўлади. Чучук кўлмак сувда сузганда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш зарур. Негаки бундай жойда биронта инфекцияни юктириб олиш ҳеч гапмас [1-3,7]. Сузиш ҳавзасида 40 дақиқадан ортиқ турмаслик керак. Шу билан бирга сузиш бассейнарининг суви орқали бир қанча юқумли касалликлар юқиши мумкин (жадвал -1).

*Жадвал -1.*

**Сузиш бассейнарининг суви орқали юзага келадиган юқумли касалликлар билан алоқадорлик кўрсаткичлари**

Касалликлар	Сув омили билан алоқадорлик кўрсаткичи
Аденовирусли фаринг	+++
Эпидермофития	+++
Вирусли гепатит А	++
Коксаки юқумли касаллиги	++
Дизентерия	++
Отитлар, синуситлар, тонзиллитлар, конъюнктивитлар	++
Тери туберкулёзи	++
Замбуруғли тери касалликлари	++
Легионеллез	++
Энтробиоз	++
Лямблиоз	++
Криптоспоридиоз	++

Юқоридагилардан келиб чиқиб биз талаба ёшлар ўртасида сузишнинг нафақат аҳамиятли эканлигини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилган анкета сўровномасини ўтказдик ва қуйидаги натижаларни олдик.


Сўровномада умумий 110 талаба ёшлари иштирок этишди, улардан 32 та ўғил болалар ва 78 та қиз болаларни ташкил этди яъни 70,9% аёллар ва 43,6 % эркаклар.



**1-расм. Иштирокчиларнинг жинси буйича кўрсаткичлари**

Сўровномада иштирок этганларнинг ёш буйича тахлилида шу нарса аниқланди: асосан 1998, 1999, 2000 ва 2001 йилларда туғилганлар кўпчиликти ташкил


этди (1998 йилда туғилганлар 19 та қиз ва 4 та ўғил бола, 1999 йилда эса 10 та қиз ва 6 та ўғил бола, 2000 йилда эса 12 та қиз бола ва 3 та ўғил бола).



**2-расм. Иштирокчиларнинг ёш буйича тақсимланиши**

Иштирокчиларнинг миллати бўйича тахлил натижаларида қуйидагилар аниқланди; ўзбек миллатига мансуб иштирокчилар умумий 99 та (90%) бўлиб, улардан 70 таси қиз болалар (70,7%) ва 29 таси ўғил болаларни (29,1%) ташкил этди. Қиз-

лар ўртасида қорақалпоқ миллатига мансуб қизлар 4 тани ташкил этиб улар қизлар ўртасида миллатлар буйича 2 ўринда бўлдilar. Корейс, қозоқ, тожик ва туркман миллатига мансуб иштирокчилар биттадан эканлиги аниқланди.




**3-расм. Иштирокчиларнинг миллатлар буйича тақсимланиши**



Сўровномада иштирок этганларнинг оилавий аҳволи таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди: барча иштирокчилардан 15 нафари оилали (13,6%) қолган 95 нафари эса (86,4%) оиласиз эканлиги ўрнатилди. Улардан 10 нафари қиз болалар ва 5 нафари эса ўғил болаларни ташкил этди.

“Спортнинг қайси тури ва қачондан бери шуғулланасиз?” - деган саволга иштирокчилар қуйидагича жавоб берганлар: энг кўп шуғулланиладиган спорт турига стол


тенниси ва сузиш (17та), волейболл (16 та) ва енгил атлетика (16 та) турларини кўрсатганлар. Спортнинг бокс ва гимнастика тури билан фақатгина биттадан иштирокчи қатнашишини кўрсатганлар. “Қачондан бери спорт билан шуғулланасиз?” деб сўралганда кўпчилик иштирокчилар 34 та (30,9%) 3-5 йилдан бери шуғулланишларини кўрсатганлар. 35 та иштирокчи спортнинг ҳеч қандай тури билан шуғулланмасликларни қайд этганлар.



4-расм. Спорт турлари билан шуғулланиш кўрсаткичлари

Сузиш спортига иштирокчиларнинг қай даражада қизиқишлари сўралганда “Ҳа” деб 92 та (83,6%) жавоб берганлар, улардан 69 таси (75%) қиз болалар ва 23 таси (25%) ўғил болаларни ташкил этди. Ушбу спорт турига қизиқмайдиганларнинг


умумий сони 18 та бўлиб, улардан 14 таси қиз болалар ва 4 таси ўғил болалар эканлиги аниқланди. Сузиш спортига энг кўп қизиқувчилар ва “йўқ қизиқмайман” деб жавоб берганларнинг кўпчилигини қиз болалар ташкил этди.



5-расм. Сузиш спортига қизиқиш ҳолати.

Сузиш спортининг саломатликдаги аҳамияти “бор” ёки “йўқ” лиги сўралганда, барча иштирокчилар “бор” деб жавоб берганлар. Иштирокчиларнинг саломатлик ҳолати сўралганда 17 та иштирокчи (15,45%)

аллергик ва ошқозон ичак касалликлари билан касалланганликларини қайд этганлар. 50 та иштирокчи ушбу саволга жавоб бермаган.



6-расм. Сузиш спорти билан шугулланиш ҳолати.

“Сузиш билан шугулланишни хоҳлайсизми?” - деб берилган саволга 61 та иштирокчи (55,4%) “вақти йўқлиги”ни, 20 таси (18,1%) “маблағ йўқлиги”ни, 5 таси (4,5%) ушбу спорт турига қизиқмаслигини, 11 таси сузишни билмаслигини кўрсатишган. 13 нафар талаба эса ушбу саволни жавобсиз қолдирганлар.

**Хулоса:** Юқорида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, талаба ёшлар ўртасида тўғри соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки сузиш нафақат саломатликни сақлашда балким, соғлом турмуш тарзини юритишда баркамол авлод ва соғлом бўлишларида катта аҳамиятга эга. Бассейнлардан фойдаланилганда юзага келадиган юқумли касалликларнинг профилактикасида ховузларда мунтазам тозалаш ишлари олиб бориш, ечиниш хоналарида, душхоналарда дезинфекция ишлари ўтказиш лозим. Бассейларга тушишдан олдин

душда ювиниш ва тамбурдан ўтишга қатъий риоя қилиш керак. Сузиш ховузи, ечиниш хоналари, душхоналарда санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этилиши назоратга олиш лозим.

Шу билан бирга бассейн сувида чўмилганда чўмилиш хавзасида ЎзР СанҚваМ № 0305-12 талабларига риоя этилиши. Сувдаги қолдиқ хлор миқдори 0,1-0,2мг/л; рН 7,2-7,6 бўлишини таъминлаш керак. Сузиш бассейнига қатновчилар ўртасида (ВГ, ЎЮИК, тери касалликлари ва педикулёзни олдини олиш бўйича) санитария тарғибот ишлари кучайтириш лозим.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3.05.2018 йилдаги 333-сон Сузиш спорт турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори

2.ГОСТ 950-2011 «Вода питьевая. Гигиенические требования и контроль за качеством». - Т,2011. -12 с.

3.ГОСТ Р 53491.1-2009 «Бассейны. Подготовка воды. Часть 1. Общие требования». -М.: Стандартиформ, 2009.-47 с.

4.Sherqo'ziyeva G.F., Ikramova N.A. Suzish basseynlari suvining ifloslanish muammolarining zamonaviy holati "*Молодой учёный*" jurnali. - *Qozon*, 2021. - №21 (363). - В. 624-626

5.Sherqo'zieva G.F., Ikromova N. Suzish basseynlari gigiyenasi muammolari va ularni yechish yo'llari III чи. ilmiy va amaliy. konf. "Aholining salomatligini muhofaza

qilishning zamonaviy yutuqlari va rivojlanish istiqbollari". - Т., 2021. - В. 337-338

6.Sherqo'zieva G.F., Ikromova N. Salomatlikni saqlashda suvda suzishning roli «Morfologiyaning COVID-19 pandemiyasibilan bog'liq dolzarb muammolari» Xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari. – Urganch, 2021. - В. 310

7.Sherqoziyeva G.F., Salomova F.I., Maxkamova N. Suzish sportining salomatlikdagi ahamiyati. //Материалы международной научно-практической онлайн конференции «Гигиена окружающей среды и охрана здоровья населения, имплантируемые биоматериалы, проблемы и их решения. Фергана – 2022.стр247-249.